



СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

*И.ф.д., доцент **Исаев Фахриддин Икромович**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази*

Аннотация. Мақолада солиқ ислоҳотларининг мақсади, Ўзбекистонда сўнги йилларда олиб борилган солиқ ислоҳотларининг самарадорлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, солиқ ислоҳотлари ҳукуматлар учун фискал ва иқтисодий мақсадларга эришиш учун кучли восита эканлиги асосланганлиги, таҳлилий жадваллар келтирилиб, мақола якунида хулоса шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, ислоҳот, фискал, даромад, шаффофлик, адолатлилик.

АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ НАЛОГОВЫХ РЕФОРМ

*Д.э.н., доцент **Исаев Фахриддин Икромович**
Научно-исследовательский центр «Научные основы и
проблемы развития экономики Узбекистана» при
Ташкентский государственный экономический университет*

Аннотация. В статье анализируются цели налоговых реформ, эффективность налоговых реформ, проводимых в последние годы в Узбекистане. Также обосновано, что налоговые реформы являются мощным инструментом правительства для достижения бюджетных и экономических целей, представлены аналитические таблицы, а в конце статьи сформулирован вывод.

Ключевые слова: налог, реформа, фискальная политика, доходы, прозрачность, справедливость.

ANALYSIS OF THE IMPACT OF TAX REFORMS

*Dsc., associate professor **Isaev Fakhriddin Ikromovich**
Scientific research center "Scientific bases and problems of
development of the economy of Uzbekistan" under
Tashkent State University of Economics*

Abstract. The article analyzes the purpose of tax reforms, the effectiveness of tax reforms carried out in recent years in Uzbekistan. It is also justified that tax reforms are a powerful tool for governments to achieve fiscal and economic goals, analytical tables are presented, and a conclusion is formed at the end of the article.

Key words: tax, reform, fiscal, revenue, transparency, fairness.

Кириш.

Бугунги бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда иқтисодиётни ривожлантириш учун давлатнинг тартибга солувчи роли ортиб, давлат харажатлари ўсиб боради, уларни қоплашда эса солиқ тушумларидан фойдаланилади. Шу ўринда давлат ўзининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқишига зарурат туғилиб, уни тўғри йўлга қуйилиши муҳим ҳисобланади. Солиқ сиёсати мамлакатнинг солиқ тизимини қуриш ёки ислоҳ қилишда ўзига хос муҳим қарор ҳисобланади.

Солиқ ислохотлари бутун дунё бўйлаб иқтисодий сиёсат муҳокамаларида тез-тез учрайдиган мавзудир. Ҳукуматлар кўпинча даромадларни йиғишни яхшилаш, иқтисодий ўсишни кучайтириш ва турли ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришиш мақсадида солиқ ислохотларини амалга оширадilar. Бироқ бу ислохотларнинг таъсири кенг муҳокама ва таҳлил мавзусидир.

Одатда ислохотларга зурурат келтирувчи айрим сабаблар мавжудки, ислохотлар цикли доимий равишда такрорланиб туриш характерига эга. Чунки ҳар қандай ислохотнинг туб замирида жамият ҳаётини фаровонлигини ошириш ётибди. Бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлардан мақсад мураккабликлар ва қийинчиликларни барҳам беришдир. Бугунги ислохотлар Давлат бюджетидида солиқ тушумлари миқдорини ошириш ва солиқ тўловчилар базасини кенгайтириш мақсадида ҳам амалга оширилмоқда.

Солиқ ислохотини бошқа ислохотлардан мураккаб жиҳатлари ҳам борки, бу солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиқ тўловчилар базасини кенгайтиришни ўз ичига олади. Бундай ўзгаришлар узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг умумий ҳажминини кўтариш керак деган назарий тахминлар мавжуд, ammo таъсири ва миқёси сезиларли даражада ноаниқликларга дуч келмоқда. Кўпинча эътиборга олинмайдиган ҳолатларда бири, солиқ ҳаражатларини қисқартириш ёки йўқ қилиш орқали солиқ базасини кенгайтириш ҳисобланади. Демак, ушбу тадқиқот ишимиз Ўзбекистондаги солиқ ислохотларининг таъсирини таҳлил қилишга бағишланган ва бугунги кунда солиқ ислохотининг натижалари мулоҳаза қилиш учун долзарб масала ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Солиқ ислохотлари бўйича фикр билдирадиган бўлсак, Остапов (1998) солиқ ислохотини солиқ муносабатларига тўлиқ ёки қисман ўзгариш сифатида ўзига хос шаклларини тўлиқ кўриб чиқишни талаб қиладиган махсус таксономик тизим сифатида кўриб чиқади.

Абрамов (2007) солиқ ислохоти узоқ муддатли жадал ривожланаётган, кўп қиррали ва кўп мақсадли жараён сифатида икки йўналишда амалга оширилади: солиқлар ҳолатини яхшилаш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш.

Байбородина (2010) “солиқ ислохотлари – солиқ тизимини кенг кўламли қайта қуриш ва уни бошқариш механизминини ўзгартириш асосида солиқ муносабатларининг чекланган ёки тубдан ўзгариши сифатида” таърифлайди.

Майбуров (2011) “солиқ ислохоти солиқ тизимини тубдан ўзгартиришни давлат солиқ сиёсатининг янги мазмунига мослаштириш” деб таъкидлайди.

Богатыреванинг (2014) фикрича, “солиқ ислохоти бу давлат солиқ тизимидаги қонуний равишда белгиланган ўзгариш, бу давлат солиқ сиёсати стратегиясини ўзгартиришга асосланади. Шундай қилиб, солиқ сиёсати тактикасининг ўзгариши солиқ ислохотига олиб келмайди. Фақат солиқ тизимига тегишли амалдаги қонунчиликдаги ўзгариш ва қўшимчалар сифатида кўриб чиқилади. Солиқ сиёсати стратегиясидаги ўзгаришлар мамлакатда солиқ ислохотларини амалга ошириш учун асосдир”.

Иқтисодий адабиётларда таъкидланишича, солиқ ислохотларини ўтказишнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, солиқ ислохотларини одатдаги қонунчиликдаги ўзгартириш ва қўшимчалардан фарқлаш лозим. Богатыреванинг (2014) фикрича, солиқ ислохотларини ажралиб турувчи хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Солиқ тизимидаги ўзгаришлар.
2. Солиқ сиёсати стратегиясидаги ўзгаришлар.
3. Уни амалга ошириш муддати.
4. Ўзгаришларнинг чуқурлиги ва мураккаблиги.
5. Инновацион характерга эга эканлиги.

Солиқ ислохотларининг асосий мақсади тез иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва қашшоқликни юмшатишдир (Мвакалобо, 2015). Бироқ, зарур инфратузилмани таъминлаш учун даромадлар миқдорини ишлаб чиқариш воситаларидан бири бу яхши тузилган солиқ тизими (Огбонна & Эбимобовей, 2016), солиқ дунёдаги ҳар бир жамиятда асосий ўйинчи ҳисобланади. Солиқ тизими ҳукуматга ўз мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган қўшимча даромадларни йиғиш имкониятидир.

Юқоридаги солиқ сиёсати ва солиқ ислохотлари бўйича иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга таянадиган бўлсак, солиқ сиёсати давлатнинг ижтимоий-

иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, у мамлакатнинг миллий бойликларини тўплаш ва оқилона фойдаланишини рағбатлантирадиган, иқтисодиёт ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришга ёрдам берадиган ва шу билан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлайдиган солиқ тизимини шакллантиришга қаратилган сиёсат ҳисобланади. Дарвоқе, Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатига аҳамият қаратадиган бўлсак, унинг мақсад ва вазибалари Солиқ кодексининг тегишли моддаларда ҳам ўз аксини топган.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада анализ, синтез, индукция ва дедукция методларидан фойдаланилиб, ўтказилаётган солиқ ислохотларининг таъсири иқтисодий методлар ёрдамида таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон иқтисодий муаммоларга, жумладан ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва юқори инфляцияга дуч келди. Бюджет тақчиллигини юмшатиш ва давлат даромадларини оширишда солиқ тушумлари ҳал қилувчи роль ўйнади.

1994 йилда Давлат солиқ қўмитасининг ташкил этилиши Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини расмийлаштиришда муҳим қадам бўлди.

1995-2005 йилларда солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг қабул қилиниши солиққа тортишнинг ҳар томонлама ҳуқуқий асосларини яратди.

2007 йилда Солиқ кодекси замонавий бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш мақсадида янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Президентининг 2017 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони солиқ юкини камайтириш, солиқ тизими ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солиқ тўловларини соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, солиқ ислохотларини жадаллади.

Президентнинг солиқ маъмуриятчилиги, солиқ сиёсати ва бюджет ижросини янада такомиллаштиришга қаратилган яна бир қанча фармон ва қонунлари қабул қилинди. Ушбу ислохотлар солиқ тизимини модернизация қилиш, солиқ юкини камайтириш, тартиб-таомилларни соддалаштириш ва даромадларни йиғишни кучайтиришга қаратилган. Ушбу ислохотларнинг таъсири ва самарадорлиги иқтисодий ва фискал маълумотларни батафсилроқ таҳлил қилишни, шунингдек, уларнинг Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш, даромадларни йиғиш ва ишбилармонлик муҳитига таъсирини баҳолашни талаб қилади.

Соддалаштириш

Солиқ кодекслари кўпинча мураккаб бўлиб, мувофиқлик юкини келтириб чиқариши мумкин. Ислохотлар солиқ тизимини соддалаштириш, уни жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари учун янада қулайроқ қилишга қаратилган.

Даромадларни ошириш

Ҳукуматлар даромад йиғишни ошириш учун солиқ ислохотларини амалга ошириши мумкин. Бу солиқ базасини кенгайтириш ёки солиқ ставкаларини оширишни ўз ичига олиши мумкин.

Иқтисодий ўсиш

Айрим солиқ ислохотлари инвестициялар, жамғармалар ва тадбиркорликни рағбатлантириш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган.

Адолат

Ислохотлар солиқ юкини янада адолатли тақсимлашга интилиши мумкин.

1-расм. Солиқ ислохотларининг умумий элементлари⁶⁵

⁶⁵ Муаллиф томонидан шакллантирилган

Солиқ ислохотлари одатда турли сабабларга кўра жорий этилади, жумладан, солиқ тизимини соддалаштириш, даромадлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, солиққа тортишда адолат ва шаффофликка эришиш. Солиқ ислохотларининг мақсадлари турлича бўлиши мумкин бўлсада, улар кўпинча бир нечта умумий элементларга эга (1-расм):

Солиқ ислохотлари ҳукуматлар учун фискал ва иқтисодий мақсадларга эришиш учун кучли воситадир. Бироқ уларнинг таъсири кенг қамровли ва кўп қиррали. Солиқ ислохотларининг оқибатларини баҳолаш турли омилларни, жумладан, давлат даромадлари, тадбиркорлик ва сармоявий муҳит, жисмоний шахсларга солиқ юки, иқтисодий ўсиш, даромадлар тенгсизлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқлик ва халқаро рақобатбардошликни ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қилади.

Солиқ ислохотларининг таъсири кўп қиррали бўлиб, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларига таъсир кўрсатади. Солиқ ислохотлари оқибатларини баҳолашда одатда таҳлил қилинадиган асосий йўналишлар қуйида 1-жадвалда келтирилган:

1-жадвал

Солиқ ислохотлари оқибатларини баҳолашда таҳлил қилинадиган асосий йўналишлар⁶⁶

Давлат даромадлари	Солиқ ислохотлари давлат даромадларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Солиқ ставкаларини пасайтириш даромадларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин, солиқ базасини кенгайтириш ва солиқ бўшлиқларини бартараф этиш эса даромадларнинг ошишига олиб келиши мумкин.
Бизнес ва инвестициялар	Тадбиркорлик муҳитига солиқ ислохотлари чуқур таъсир кўрсатмоқда. Фойда солиқ ставкаларини пасайтириш хорижий инвестицияларни жалб қилиши ва тадбиркорликни ривожлантириши мумкин, аммо солиқ имтиёзларини олиб ташлаш тескари таъсир кўрсатиши мумкин.
Жисмоний шахслар	Ислохотлар натижасида жисмоний шахсларнинг солиқ юки ўзгариши мумкин. Прогрессив солиқ тизимлари кам даромадлилар учун солиқ юкини камайтириши мумкин, солиқларнинг ошиши эса бир марталик даромадга таъсир қилиши мумкин.
Иқтисодий ўсиш	Иқтисодий ўсишга таъсири солиқ ислохотларининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Солиқ ставкаларининг пасайиши истеъмол ва инвестициялар ҳажмини ошириши мумкин, бу эса ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсишига олиб келиши мумкин.
Даромадлар тенгсизлиги	Прогрессив солиқ ислохотлари бойликни янада адолатли тақсимлаш орқали даромадлар тенгсизлигини камайтириши мумкин. Аксинча, солиқларнинг регрессив ўзгаришлари даромадлар номутаносиблигини кучайтириши мумкин.
Мувофиқлик ва маъмурият	Солиқ ислохотларининг мураккаблиги ва амалга оширилиши солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин. Соддалаштирилган тизимлар юқори мувофиқлик ставкаларини рағбатлантириши мумкин, мураккаб қоидалар эса солиқдан қочишга олиб келиши мумкин.

Солиқ ислохотларининг таъсирини ҳар томонлама баҳолаш онгли қарорлар қабул қилиш ва фуқароларнинг солиқ тизимидаги ўзгаришларнинг кенгроқ оқибатларини тушунишлари учун зарурдир. Бундай баҳолашларни ўтказиш орқали ҳукуматлар ўзларининг молиявий эҳтиёжлари ва мамлакатнинг кенгроқ иқтисодий ва ижтимоий мақсадлари ўртасида мувозанатга эришишлари мумкин.

Сўнгги йилларда Солиқ кодексининг уч марта таҳрирланиши, қонунчиликдаги мавжуд муаммолар ва мавҳумликларни бартараф этишнинг чораси ҳисобланади. Солиқ сиёсатига асосланган самарали солиқ тизимини таъминлаш учун солиқ қоидалари ва солиқ тизимларини

⁶⁶ Муаллиф томонидан шакллантирилган

ўзгартириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш зарур. Барқарор солиқ сиёсатини яратиш, солиқ қонунчилигининг исталган турида - хоҳ катта, хоҳ аҳамиятсиз бўлса, барча тамойилларни ҳисобга олишни тақозо қилади.

2017-2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида солиқ ислоҳотлари натижасида солиқ турлари 16 тадан 9 тага камайтирилди, назорат шакллари 13 тадан 2 тага қисқартирилди, солиқ ставкалари 2 баробарга камайтирилди (мол-мулк солиғи, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, ижтимоий солиқ), солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ихтиёрий бажаралиш даражаси 80 фоиздан 95 фоизга оширилди.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, солиқ ставкалари, солиқ солинадиган база, солиқ турлари, уларнинг миқдори, давлат харажатлари ҳажми ва унинг аниқ мақсадларига мувофиқ йўналишларининг ўзгариши давлат солиқ сиёсати ва ислоҳотларининг асосий йўналишларидан бири эканлиги маълум бўлмоқда.

2-жавдал

**Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йилларда солиқ тушумлари
улуши таҳлили⁶⁷ млрд.сўм**

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
ЯИМ миқдори	424728,7	529 391,4	602 193,0	734 587,7	888342
Давлат бюджети даромадлари	79 099,0	112 165,4	132 938,0	164 680,3	202043
Бевосита солиқлар	15 656,2	31 676,8	45 206,9	58 930,3	64 447
Билвосита солиқлар	41 280,4	46 427,2	46 428,4	56 292	71 390
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	12 663,4	19 680,7	21 257,0	23 036	23 913
Юқори даромаддан олинадиган солиқ	1 528,0	-	-	-	-
Бошқа даромадлар	7 971,1	14 380,7	20 045,8	26 423	42 293
Давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбати, фоизда	18,6	21,2	22,1	22,4	22,7

Келтирилган маълумотларда йиллар давомида давлат бюджети даромадлари ва уларнинг таркибидаги сезиларли ўзгаришлар кўрсатилган. Маълумотлар 2022 йилда давлат бюджети даромадлари 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганини ва 39,1 фоизга сезиларли ўсганлигини кўрсатади. Ушбу сезиларли ўсиш ушбу даврда давлат даромадларини йиғиш сезиларли даражада кенгайганлигини кўрсатади.

Шуниси эътиборга лойиқки, солиқлар доимий равишда давлат бюджети даромадларининг салмоқли қисмини, йиллар давомида ўртача улуши 85% ни ташкил қилади. Бу шуни кўрсатадики, солиқлар давлат даромадларининг асосий манбаи бўлиб, солиқ сиёсатидаги ҳар қандай ўзгаришлар умумий даромадга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбати мамлакатнинг фискал ҳолатининг муҳим кўрсаткичидир. 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 4,1 фоизга ўзгариш билан яқунланган ушбу нисбатнинг узлуксиз ўсиши иқтисодиёт ҳажмига (ЯИМ) нисбатан давлат даромадларининг ўсишидан далолат беради. Бу ҳукумат давлат хизматларини молиялаштириш, инфратузилмага сармоя киритиш ва фискал эҳтиёжларни қондириш учун кўпроқ ресурсларни сафарбар этишда муваффақият қозonganлигини англатади. Умуман олганда, ушбу хулосалар даромадлар базасининг кенгайиши ва ялпи ички маҳсулотдаги давлат бюджети даромадларининг улуши ортиб бораётган ижобий фискал тенденциядан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар.

Солиқ кодексига солиқ ставкалари, солиқ солинадиган база, солиқ турлари, уларнинг миқдорлари ва давлат харажатлари йўналишларини ўзгартиришни назарда тутувчи таҳрирлар давлат солиқ сиёсати ва ислоҳотларининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Самарали ва

⁶⁷ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

барқарор фискал муҳитни таъминлаш учун солиқ кодексини қайта кўриб чиқишни олдиндан белгиланган жадвал асосида амалга ошириш тавсия этилади.

Солиқ қоидаларида аниқлик ва изчилликни таъминлаш учун ҳукумат қарорлари Солиқ кодексига мос келиши муҳим. Давлат бошқаруви органлари Солиқ кодексига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мунтазам қайта кўриб чиқишлари, зарур ҳолларда эса қайта кўриб чиқишлари ёки бекор қилишлари керак.

Солиқ кодексини қайта кўриб чиқишда барқарорлик ва мослашувчанлик ўртасидаги мувозанатни сақлаш жуда муҳимдир. Тез-тез ўзгартиришлар ўрнига, Солиқ кодексини ҳар 5-10 йилда бир марта қайта кўриб чиқиш тавсия этилади, бу эса даврий баҳолаш ва зарур янгиланишларни амалга ошириш имконини беради. Ушбу ёндашув ривожланаётган иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда башорат қилинадиган солиқ муҳитини сақлаб қолади.

Солиқ кодексини қайта кўриб чиқиш ва янгилаш сабабларини мамлакат иқтисодиётига таъсир этувчи омиллар билан чамбарчас боғлаш керак. Бу мамлакатнинг иқтисодий манзарасига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ички сиёсат, шунингдек, кўшни давлатлар сиёсатидаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Солиқ кодекси динамик бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ равишда доимий равишда ривожланиши керак. Қонунчилик иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш ва ишбилармонлик муҳитининг доимий ўзгарувчан эҳтиёжларига жавоб бериш учун мослашиши керак.

Бошқа мамлакатлардаги иқтисодий ислохотлар ва сиёсатлар Ўзбекистонга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлигини тан олган ҳолда, глобал ва минтақавий иқтисодий ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Ички солиқ сиёсатини шакллантириш ва ислох қилишда ушбу ташқи омилларни ҳисобга олиш керак.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.

Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Concept of economic analysis and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.

Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.

Isaev, F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 294–301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579

Mwakalobo, A.B.S. (2015) Dynamics of Revenue Generation in Tanzania, Kenya and Uganda: A Co-Integration and Error-Correction Modeling Approach. African Journal of Economic Review, 3, 15-37.

Ogbonna, G.N. and Ebimobowei, A. (2016) Effect of Tax Administration and Revenue on Economic Growth in Nigeria. Research Journal of Finance and Accounting, 7, 49-58.

Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (1), 321–328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190

Абрамов А.П. (2007) Налоговая реформа и совершенствование налогового администрирования / А.П. Абрамов // Вестник Томского государственного университета. № 300. с.7-11.

Байбородина В.Г. (2010) Налоги и налогообложение: учебное пособие / Хабаровск: РИЦ ХГАЭП, 108 с.

Богатырева Е.Н. (2014) Теоретические детерминанты налоговых реформ. ISSN 2221-7347 Экономика и право.

Исаев Ф. Аудит самарадорлигининг назарий-амалий талқини //Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка. – 2023. – С. 359-361.

Исаев Ф. И. Солиқ текширувларини рақамлаштириш зарурияти. //Бизнес-эксперт" илмий журнали. – 2021. – Т. 6. – С. 52-54.

Исаев Ф. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. – 2021.

- Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
- Исаев Ф. Совершенствование налогообложения имущества //Экономика и инновационные технологии. – 2021. – №. 6. – С. 326-333.
- Исаев, Ф. (2021). Солиқ юкини аниқлаш методикасини такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, (6), 86–91. https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a286
- Исаев, Ф. (2022). Йурик корхоналар мисолида солиқ йиғилувчанлиги кўрсаткичини таҳлил қилиш методикасини такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 24(1), 317–326. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/955>
- Исаев, Ф. (2022). Ресурс солиқлари таҳлилини ташкил этиш методикаси. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
- Исаев, Ф. (2022). Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
- Исаев, Ф. (2023). Солиқ таҳлили - иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми. *Nashrlar*. Retrieved from <https://e-itt.uz/index.php/editions/article/view/35>
- Исаев, Ф. (2023). Солиқ текширувлари: аудит самарадорлиги таҳлили. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, 11(1), 394–401. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a42
- Исаев, Ф. (2023). Солиқ юкини камайтиришда солиқ таҳлилининг таъсирига оид назарий мулоҳазалар. *International Journal of Economics and Innovative Technologies*, 11(2), 415–421. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i41
- Исаев, Ф. (2023). СОЛИҚЛАРНИНГ ФАРОВОНЛИККА ТАЪСИРИ НАЗАРИЯСИ. "Milliy Iqtisodiyotni Isloh Qilish Va Barqaror Rivojlantirish istiqbollari" Respublika Ilmiy-Amaliy Konferensiyasi Materiallari to'plami., 206–208. Retrieved from <https://conference.tsue.uz/index.php/article/article/view/393>
- Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.
- Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.
- Майбуров И.А. (2011) *Налоги и налогообложение: учебное пособие / И.А. Майбуров. М.: ЮНИТИДАНА, 558 с.*
- Остапов М.Т. (1998) *Налоговая реформа и гармонизация налоговых отношений: автореф. дис. ... док. экон. наук: 08.00.10. Санкт-Петербург. 20с.*